



Theoretical views on the concept of subethnos (ethnographic group)

Botirali VAKNOBOV¹

Namangan State University

ARTICLE INFO

Article history:

Received September 2022

Received in revised form

25 October 2022

Accepted 20 November 2022

Available online

25 December 2022

ABSTRACT

In this article the scientific concept of one of ethnological objects – “subethnos” reveals. Subethnos is an ethnos version, and studying of its features is necessary now. The subethnos theory (ethnographic group) was investigated on the basis of scientific views and the literature. In article the origin of subethnos and the sights of researchers connected with it is consecrated.

2181-1415/© 2022 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol3-iss11/S-pp121-125>

This is an open-access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Keywords:
subethnos,
ethnographic group,
an ethnic group,
the ethnos theory,
a subethnos kernel,
assimilation process,
ethnic generality,
ethnos origins.

Субэтнос (этнографик гурух) тушунчасига оид назарий қарашлар

АННОТАЦИЯ

Калип сўзлар:
субэтнос,
этнографик гурух,
этник гурух, этнос
назарияси,
субэтнос асоси,
ассимиляцион жараён,
этник жамоа,
этногенез.

Ушбу мақолада этнологиянинг объектларидан бири “субэтнос” тушунчасига оид назарий қарашлар келтирилган. Субэтнос этноснинг тарихий шаклларидан бири ҳисобланиб, ҳозирги кунда уларнинг ўзига хослигини тадқиқ қилиш долзарбdir. Этнос назарияси ва субэтнос (этнографик гурухга)га оид илмий қарашлар адабиётлар асосида таҳлил қилинган. Субэтносларнинг ўзига хос хусусияти, уларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ қарашлар баён этилган.

¹ Senior Lecturer, Department of Archival Studies, Namangan State University. E-mail: botiralivaxobov@gmail.com.

Теоретические взгляды на понятие субэтноса (этнографическая группа)

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

субэтнос,
этнографическая группа,
этническая группа,
теория этноса,
ядро субэтноса,
процесс ассимиляции,
этническая общность,
этногенез.

В данной статье раскрывается научное понятие одного из этнологических объектов – «субэтнос». Субэтнос разновидность этноса, и в настоящее время необходимо изучение его особенностей. Теория субэтноса (этнографической группы) исследовалась на основе научных взглядов и литературы. В статье освещено происхождение субэтноса и связанные с ним взгляды исследователей.

Ҳозирги замон этнологиясида қабул қилинган қоидаларга кўра, ҳар бир халқ ўзига хос тарздаги этник тузилишга эга. Этнология фанида этноснинг таркибий қисмларини ва тузилишларини тавсифловчи қатъий бир тушунчалар тизими мавжуд эмаслиги сабабли, унинг тузилиши турли назарий қарашлар асосида аниқланган ва тушунилган. Этносларни ички тузилишини эътиборга олган ҳолда ўрганиш, XX асрнинг охирги ўн йиллигидан амалга оша бошлади. Аксарият олимларнинг фикрига кўра, этнос таркиби иерархик тузилишга эга бўлади.

Одатда этноснинг биронбир таркиби ҳақида ёзилганда “этник гуруҳ”, “этнографик гуруҳ” ва “субэтнос” (“субэтник гуруҳ”) каби атамалардан фойдаланилади. Ўрганилаётган мавзуга оид масала “субэтнос” атамасини талқин қилиниши билан боғлиқ бўлиб, муҳим ҳисобланади.

Этноснинг тарихий шаклларидан бири этнографик гуруҳларни ўрганиш этнология фанининг тадқиқот предмети ҳисобланади [1]. Этнос ва этник жамоанинг тарихий шакллари типологияси, келиб чиқиши ва динамикаси тадқиқи билан боғлиқ адабиётлар, мақолалар XX асрнинг 60 – йилларидан бошлаб юзага келди [2]. Бу адабиётлар, мақолалар ўша даврдаги мавжуд тарихий босқичлар ва ижтимоий-иқтисодий формациялар билан боғлиқ ҳолда ёзилган эди [3]. Этнографик миқдорларни ишлаб чиқиш икки йўналиш бўйича амалга оширилган бўлиб, яъни этноснинг тарихий шакллари ва метаэтник бирликлар миқёсида амалга оширилган [4].

“Субэтник гуруҳ” атамаси (фр. sous-groupe ethnique, ингл. sub-ethnic group) француз ва инглиз тилларидағи адабиётларда XIX аср – XX асрнинг бошларидан ишлатила бошланиб, ирқлар таркибидаги этник гуруҳлар тушунилган [5].

Субэтнос атамаси Л.Н. Гумилев томонидан таклиф қилинган [6], Ю.В. Бромлей ва совет этнограф олимлари томонидан қабул қилинган ва кенг тарзда тадқиқотларда ишлатилган. “Субэтнос” атамаси Л.Н. Гумилёв томонидан этногенезнинг пассионар назариясида этник тизимни ифодалашда фойдаланган [7].

XX асрнинг 70–80-йилларида этнографик гуруҳ ва этник гуруҳ тушунчалариға оид жиiddий ишларни амалга оширган Ю.В. Бромлей этник ва этнографик гуруҳлар ўртасидаги фарқни этник ўзликни англашда деб билиб, уларни пайдо бўлиши ва ўсиб бориш хусусиятларини кўрсатиб ўтган [8].

Академик К. Шониёзов ўз тадқиқотларида этнографик гуруҳ (субэтнос) тушунчасини биринчи марта ўзбек тилида изоҳлаб, унинг асл мазмун – моҳиятини этнос назарияси принциплари асосида ёритиб берган [9].

“Субэтнос” тушунчасининг турли тарзда талқин қилиниши “этнос назарияси” билан боғлиқ [10]. Бир томондан бу назария ижодкорлари “этник бирликлар”ни иерархик тарзда эканлигини таъкидлашади, иккинчи бир томондан, “этнос” ва “субэтнос” тушунчалари орасида объектив фарқлар эмас, балки субъектив, операционал характердаги фарқлар мавжуд деб тасдиқланади. Баъзан “субэтник” чегараларда тадқиқотчилар яширин “этник бўлиниш”ни кузатадилар [11].

Субэтносларнинг ўзига хос хусусияти кўпинча уларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ бўлади. Биринчи ҳолатда субэтнослар собиқ этнослар бўлиб, улар ўзларининг асосий этник бирликларини йўқотиб боргандар. Иккинчи ҳолатда эса собиқ этник гуруҳлар бўлиб, улар бошқалар билан биргалиқда умумийлигини англайдилар. Бирон-бир этник гуруҳда этник характердаги ўзликни англаш юзага келиб, у субэтносга айланиши мумкин. Ва аксинча субэтнос этник гуруҳ сифатида трансформацияга учраши мумкин [12].

Учинчи ҳолат – ижтимоий бирлик, ўзига хос маданий хусусиятларида намоён бўлади.

“Субэтник гуруҳ” одамларнинг жамоаси, этноснинг таркибига кирадиган қисми, зич ҳолда муайян ҳудудни эгалловчи, тил ва маданий жиҳатдан фарқланиб, умумий этник ўзликни англашга эга бўлади. “Субэтник гуруҳ” этноснинг тўлиқсиз консолидацияси ёки сепарацияси натижасида, шунингдек, этноснинг таркибий қисмлари миграцияси таъсирида хўжалик фаолияти ва ижтимоий жиҳатдан ажралишлар юз бериши мумкин.

Консолидация жараёни натижасида субэтник гуруҳ ўзлигини йўқотиши, яъни у этнографик гуруҳга айланиб бориши ва келгусида йўқ бўлиб кетиши мумкин. Айрим ҳолатларда эса мустақил этнос тарзида ажралиши мумкин. Кўриниб турибдики, тушунча “этнографик гуруҳ” атамасидан ажралиб туради. “Этнографик гуруҳ” этноснинг маҳаллий таркибий қисми, тили (лаҳжа ва сўзлашуви) ва маданий унсурлари билан ажралиб туради, бироқ энографик гуруҳ ўзининг этник ўзлигига эга бўлмайди.

Субэтносларни яхлитлаш асослари тарихий ўзгарувчан ҳисобланади [13]. Ҳар бир субэтноснинг албатта “асоси” (негизи) мавжуд бўлиб, у максимал даражада ажралиб турувчи, ўзига хос хусусият акс этган маданий мажмуаларни тўплаб ифода этувчи ва тарқатувчи субэтносга оид қисми ҳисобланади. “Субэтнос асоси” баъзан географик нуқтаи назардан чекланиб (тўхтаб) қолиб, маълум жойдан четга чиқмай қолади, кўпинча у бўлиниб субэтник ареал бўйлаб ёйилиб кетади. Кўплаб халқларнинг таркибиға консолидацион ва ассимиляцион жараён натижаларида пайдо бўлган субэтнослар ва этнографик гуруҳлар киради [14].

Субэтник гуруҳларнинг этник ўзига хослигини аниқлаш учун уларнинг ўналишлари ва тарихий ривожланиш босқичларидағи ўзгаришлар сабабларини аниқлаш зарур бўлади. Бунга айнан ўхшаш жараёнларни англаб етиш учун этнология фанида мавжуд бўлган субэтносни этнографик гуруҳ сифатида талқин этиб, жамоавий онг сезимиға эга ва мустақил этнос ривожланиши муносабатларига киришган, лекин келиб чиққан этносидан тўлиқ узилиб кета олмаган гуруҳ деб ҳисоблаш лозим бўлади [15].

Этнографик ва этник гуруҳлар – шаклланиш ҳудуди ва гуруҳлар фаолиятининг асосий томонлари ёки ўналишлари билан ажралиб туради. Этнографик гуруҳлар этноснинг органик таркиби сифатида этник ҳудудда

шаклланади ва консолидация жараёнларида жипс ҳолатда иштирок этади. Тарихий шароитлар ўзгариши билан этнографик гурухлар бошқаларига ўзгариши мумкин: этнотабақавий, этносларарабо, ички этник ва ҳ.к. Этнографик ва этник гурухлар ўртасидаги чегаралар шартли ҳисобланиб, доимо ўзгариб туради.

Мавзуга оид муаммолар тадқиқи тугалланмаганлиги ва умумий хулосаларга келинмаганлиги сабабли масалага чуқур ёндашувни ва илмий хулосани талаб қиласди. “Субэтнос” – қонуниятларга асосланган ва объектив ҳолда пайдо бўлувчи ва ривожланувчи этномаданий хусусиятга эга бирлик – жамоа ҳисобланиб, этноснинг маълум бир қисмини ташкил қиласди. Таксономик нуқтаи назардан эса “субэтнос” этносдан кейинги ўринни эгаллайди. Таъкидлаш керакки, субэтник структура этносни тўлиқ қамраб олади. Маълум этносга тегишли бўлган инсон, унинг таркибидаги маълум бир субэтносга киради. Субэтнослар тушунчасини англашдаги асосий тамойил “қисм ва бутун” тарзида эмас, балки “бутуннинг бир қисми”, бутуннинг бошқа бир қисмига нисбати деб тушуниш мумкин.

ХХ асрнинг ўрталарида этнологияда этник жамоаларни таснифлаш ва уларнинг бўлинмалари бўйича назарий масалалар кучсиз тарзда ишлангани кўрсатилган бўлса, ҳозирги кунда этнографик гурухларнинг мавжудлиги ва уларнинг ўзига хослигини тадқиқ қилиш долзарбdir.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Итс Р.Ф. Введение в этнографию. – Ленинград. 1974. – С. 43.
2. Токарев С.А. Проблема типов этнических общностей (к методологическим проблемам этнографии). Вопросы философии. 1964. №11. – С. 43–53; Чебоксаров Н.Н. Проблемы типологии этнических общностей в трудах советских ученых // Советская этнография. 1967. – №4. – С. 94–109; Чебоксаров Н.Н., Чебоксарова И.А. Народы. Расы. Культуры. – М., 1985. – С. 29–36.
3. Фурсова Е.Ф. Этнографические и этнические группы: проблемы их идентификации и методов исследования. http://kizhi.karelia.ru/specialist/pub/library/rjabinin2003/02_34.htm
4. Козлов В.И. О классификации этнических общностей (состояние вопроса) // Исследования по общей этнографии. – М., 1979. – С. 5–23.
5. Adhémard Leclère. Le buddhisme au Cambodge E. Leroux, 1899. – С.1.; Jacob Robert Kantor. An outline of social psychology. – Follett, 1929. – Р. 23.
6. Гумилев Л.Н. Этногенез и биосфера земли. – ЛГУ., 1991
7. Гумилёв Л.Н. Этногенез и биосфера Земли. – СПб., 2001.
8. Бромлей Ю.В. Современные проблемы этнографии. – М., 1981. – С. 45–63; Унинг ўзи. Очерки теории этноса. – М., 1983. – С. 57–87; Унинг ўзи. Этносоциальные процессы: теория, история, современность. – М., 1987. – С. 81.
9. Ashirov A. Atadjanov Sh. Etnologiya. – Т., 2008. – В. 80–81
10. Козлов В.И. О классификации этнических общностей (состояние вопроса) // Исследования по общей этнографии. – М., 1979. – С. 14.; Бромлей Ю.В. Современные проблемы этнографии. – М., 1981. – С. 45-63; Унинг ўзи. Очерки теории этноса. – М., 1983. – С. 57–87; Унинг ўзи. Этносоциальные процессы: теория, история, современность. – М.: Наука, 1987. – С. 81.; Брук С.И. Население мира. Этнодемографический справочник. – М., 1981. – С. 74–75, 222.; Этнография: Учебник / Под ред. Ю.В. Бромлея и Г.Е. Маркова. – М.: Высш. школа, 1982. – С. 7.;

Чебоксаров Н.Н., Чебоксарова И.А. Народы. Расы. Культуры. – М., 1985. – С. 31.; Шерстова Л.И. Этноконфессиональная общность: К проблеме эволюции субэтносов // Расы и народы. 21. – М., 1991. – С. 44; Тишков В.А. Субэтническая группа // Народы и религии мира. – М., 1999, – С. 899.

11. Крюков М.В. Этнос и субэтнос // Расы и народы. Вып. 18. – М.: Наука, 1988; Абашин С. Регионализм в Таджикистане: становление “этнического языка” www.indepsocres.spb.ru/library/abashin.doc.

12. Садохин А.П., Грушевицкая Т.Г. Этнология. Учебник для студ. высш. учеб. заведений. – М. 2000. – С. 89.

13. Курилов В.Н. Русский субэтнос Западной Сибири в середине XIX в.: расселение и топонимия.: Дис. ... канд. истор. наук. – Новосибирск. 2002.

14. Фурсова Е.Ф. Этнографические и этнические группы: проблемы их идентификации и методов исследования // Локальные традиции в народной культуре русского севера. (Материалы IV научной конференции “Рябининские чтения-2003”). Сборник научных докладов. – Петрозаводск, 2003.

15. Кузеев Р.Г. Этнографические и этнические группы (гетерогенность этноса)// Современное развитие этнических групп Средней Азии и Казахстана, ч. 1. – М., 1992.